

X. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 2684,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,9 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2684,1	100,9	100,0
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	0,9	18,5	0,04
нодавлат мулки	2683,2	100,9	99,96
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	195,4	103,8	7,3

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-мартда 1027,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,3% ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1397,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 99,7% ташкил қилган.


2018 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	2684,1	100,9	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	1027,4	104,3	38,3
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1397,2	99,7	52,1
уюлмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	259,5	95,2	9,6

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 84,0 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,6% ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 99,8%ни ташкил қилди ва 937,0 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-март ойиларида 774,4 минг сўмни ташкил этган). Бу кўрсаткич ҳудудлар бўйича кўрилганда энг каттаси Олмалик шаҳарда 2066,6 минг сўм, Бекобод шаҳарда 1598,1 минг сўм ва Зангиота туманида 1665,8 минг сўм тўғри келди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши (фоизда)



Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмининг энг катта улуши Зангиота тумани ҳисобига тўғри келди ва 17,8% ташкил этди, Янгийўл тумани 10,6%, Олмалик шаҳри 9,8% ташкил этган бўлса, Куйичирчиқ тумани 1,8%, Пискент тумани 2,4% ва Бекобод тумани 2,5% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

2018 йил январь-мартда хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 2379,0 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан

қишлоқ жойларида 873,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 36,7% ташкил қилди. 2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 106,3% ташкил этди.


**Хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият
турлари бўйича тақсимланиши**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами хизматлар	2379,0	106,3	100,0
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	59,5	120,7	2,5
молиявий хизматлар	248,0	137,9	10,4
транспорт хизмати	663,6	100,4	27,9
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>			
яшаш ва овқатланиш хизматлари	118,5	106,5	5,0
савдо хизматлари	779,5	100,2	32,8
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	87,2	103,5	3,7
таълим соҳасидаги хизматлар	51,3	107,0	2,1
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	33,1	105,2	1,4
ижара ва прокат хизматлари	75,5	100,4	3,2
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	58,0	101,4	2,4
бошқа шахсий хизматлар	69,7	101,0	2,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	51,5	191,1	2,2
бошқа турдаги хизматлар	83,6	130,5	3,5

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 32,8%) ва транспорт хизмати (27,9%) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (137,9%), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (191,1%), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (120,7%) ва бошқа хизматларда (130,5%) ўсиш суръати юқори бўлди.

2018 йил январь-мартда хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари улуши



Ҳудудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Нурафшон шаҳрига (130,7%), аксинча энг паст ўсиш суръати Оҳангарон туманида 94,7 фоиз кузатилди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Нурафшон шаҳри (7965,2 минг сўм), Янгийўл (1710,1 минг сўм) ва Олмалиқ (1228,7 минг сўм) шаҳарларида қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг Нурафшон шаҳрига (16,0%), Қибрай (8,5%) ва Зангиота (7,7%) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариши ҳажмларининг ўсиш суръати
(2017 йилнинг январь–мартига нисбатан)

